

**Хорижий давлатларда бакалавриат, магистратура ва докторантура дастурлари
асосида таълим олиш учун 2024 йилги 1-очиқ стипендия
танлови бўйича номзодларнинг билимини баҳолаш
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси Васийлик кенгашининг 2024 йил 21 июндаги 2-сон мажлис қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Услубиётнинг асосий мақсади – Жамғарма стипендия танловларида номзодлар учун очиқлик, шаффофлик ва барча учун тенглик тамойилларининг амал қилинишини таъминлаш, ўрнатилган тартиб-қоидалар, номзодлар билимини аниқлаш йўналишларига мувофиқ энг муносиб номзодларни саралаб олишдан иборат.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси Васийлик кенгашининг 2024 йил 21 июндаги 2-сон мажлис қарорига мувофиқ хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантура таълим дастурлари бўйича номзодларни хорижга таълим олишга юбориш бўйича очиқ саралаш танлови **уч босқичда** ташкил этилади.

1-БОСҚИЧ.

1-босқич белгиланган талаблар асосида қабул қилиш, таҳлил қилиш ва рўйхатга олишни кўзда тутди.

Ушбу босқич Жамғарма ходимлари томонидан ўтказилиб, унинг якунлари бўйича ҳужжатларини Жамғарма талабларига мос равишда тақдим этган, саралаш танловининг 2-босқичига ўтган иштирокчиларнинг йиғма рўйхати тузилади ҳамда Танлов комиссиясига тақдим этилади.

Саралаш жараёнларида номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг талаб қилинган рўйхат бўйича мавжудлиги ва тегишлилиги (ёши, мутахассислик бўйича зарур меҳнат стажи, хорижий тилни билиш даражаси ҳамда хорижда ўқишга киришга қўйиладиган талаблар, илмий мақолаларнинг мавжудлиги ва бошқа талаблар) бўйича кўриб чиқилади ва кейинги босқичга тавсия этилади.

Жамғарма номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг талаб қилинган рўйхат бўйича мавжудлиги ва тегишлилиги бўйича саралаш натижасидан келиб чиқиб, белгиланган шаклда қайднома ишлаб чиқади ва унинг алоҳида устунида номзоднинг ҳар бири бўйича қуйидаги белгилардан бирини қайд этади: **1 (бир) – “кейинги босқичга тавсия этилади”;** **0 (ноль) – “кейинги босқичга тавсия этилмайди”.**

Ушбу босқич балл билан баҳоланмайди.

2-БОСҚИЧ.

2-босқичда 1-босқичда танланган номзодлар билан интеллектуал, таҳлил қилиш ва ижодий қобилиятлари даражасини аниқлаш бўйича тест синовлари ўтказилади.

Номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва ижодий қобилиятлари даражасини аниқлаш **Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги** томонидан белгиланган тартибда (тест ва ёзма) синовлари шаклида амалга оширилади.

Тест (ёки ёзма) синовлари натижалари бўйича номзодларни 3-босқичга, яъни суҳбат жараёнига **тавсия этиш балининг қуйи чегараси** таълим соҳалари бўйича рақобат даражасини эътиборга олган ҳолда **Танлов комиссияси томонидан белгиланади.**

Танлов комиссияси тест (ёки ёзма) синовлари натижасидан келиб чиқиб, қайдноманинг алоҳида устунида номзодлар бўйича қуйидаги белгилардан бирини қайд этади: 1 (бир) – **“кейинги босқичга тавсия этилади”** (агар тўплаган балл/фоиз суҳбат жараёнига тавсия этиш бали (фоизи)нинг қуйи чегарасидан юқори бўлса); 0 (ноль) – **“кейинги босқичга тавсия этилмайди”** (агарда тўплаган балл/фоиз суҳбат жараёнига тавсия этиш бали (фоизи)нинг қуйи чегарасидан паст бўлса).

3-БОСҚИЧ.

3-босқичда 2-босқичда танланган номзодлар билан хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмаларини баҳолашга қаратилган **давлат тилида суҳбат** ўтказилади.

Ушбу босқичда номзоднинг ўз мутахассислигини билиш салоҳиятини аниқлаш, хорижда ўқишни режалаштирган таълим муассасаси ва фан соҳасидаги илғор янгиликларни Ўзбекистонда қўллаш режа ва салоҳиятини баҳолаш, шунингдек, номзоднинг она Ватанига ва илм-фанга садоқати, олган билим ва тажрибасини ўз Ватанида сидқидилдан жорий этиши, маънавий иқтидори, кенг дунёқараши ва фидойилигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Танловнинг мазкур босқичида номзодни ҳар *томонлама тўла ва тўғри баҳолаш*нинг ниҳоятда муҳимлигини эътиборга олиб, Танлов комиссияси қарорига кўра **иккитагача махсус экспертлик комиссиялари** шакллантирилади.

Биринчи махсус экспертлик комиссияси номзоднинг хорижда таълим олишдан кўзланган мақсади, таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳамда уларнинг танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари даражасини аниқлаш учун тузилади.

Иккинчи махсус экспертлик комиссияси номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни

билиши, она Ватанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги каби фазилатларини баҳолаш мақсадида тузилади.

Мазкур йўналишлар бўйича суҳбат ва савол-жавоблар учун **ҳар битта комиссия 30 (ўттиз) дақиқагача** вақт ажратиши мумкин.

Бунда, махсус экспертлик комиссиялари томонидан қўйилган баллар умумлаштирилиб, 3-босқич бўйича **100 баллик** тизим асосида **ягона балл** эълон қилинади.

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига кўра танловнинг 3-босқичи хорижда таълим олаётганлар учун рақамли технологияларга асосланган ҳолда онлайн видеомулоқот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Танлов комиссияси суҳбат натижаларини Жамғарма томонидан талаб қилинадиган қайдномани қуйидаги мезонлар асосида расмийлаштиради.

Танлов комиссияси суҳбат натижасидан келиб чиқиб, қайдноманинг алоҳида устунида номзоднинг ҳар бири бўйича қуйидаги белгилардан бирини қайд этади: 1 (бир) – **“Жамғарма Васийлик кенгашига тавсия этилади”** (агарда тўпланган балл 61 балл ва ундан юқори бўлса); 0 (ноль) – **“Жамғарма Васийлик кенгашига тавсия этилмайди”** (агарда тўпланган балл 61 балдан паст бўлса).

Махсус экспертлик комиссияларинг суҳбат ўтказиш йўналишлари ва суҳбат натижаларини баҳолаш мезонлари

БИРИНЧИ МАХСУС ЭКСПЕРТЛИК КОМИССИЯСИ				
Т/Р	Мезонлар	Баллар (умумий 67 балл)		
		30% гача (0-20 баллгача)	31-60% гача (21-40 баллгача)	61-100% гача (41-67 баллгача)
1.	Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари	Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари тўғрисида етарли маълумотларга эга эмас.	Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари бўйича умумий маълумотларга эга, аммо уларнинг самарасини тўлиқ ёритиб бера олмайди.	Хорижда таълимолишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари бўйича маълумотларни тўлиқ ёритиб бера олади. Келажақда олинган билимларни қўллаш тўғрисида аниқ режа ва тасаввурга эга.

2.	Номзоднинг танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари даражаси	Мутахассислиги бўйича қисман маълумотга эга; интеллектуал қобилиятлари ўртадан паст даражада.	Мутахассислиги ҳақида умумий тушунчаларга эга, аммо унинг асосий мақсади ва вазифаларини ёритиб бера олмайди; интеллектуал қобилиятлари ўрта даражада.	Мутахассислиги ҳақида кенг тушунчаларга эга, унинг асосий мақсади ва вазифаларини ёритиб бера олади ҳамда хорижий тажрибани эгаллаш бўйича аниқ мақсадларга эга. Интеллектуал қобилиятлари ўртадан юқори даражада.
----	---	---	--	--

ИККИНЧИ МАХСУС ЭКСПЕРТЛИК КОМИССИЯСИ

Т/Р	Мезонлар	Баллар (умумий 33 балл)		
		30% гача (0-10 баллгача)	31-60% гача (11-20 баллгача)	61-100% гача (21-33 баллгача)
1.	Номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши, она Ватанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги*	Номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши, она Ватанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги паст даражада.	Номзод маънавий-ахлоқий тафаккур, соғлом дунёқараш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар, она Ватанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги тўғрисида умумий тасаввурга эга. Аммо қайд этилган билимлар ва кўникмалар етарли даражада ижобий, фаол ва қатъий эмас, ўз Ватани ва танлаган фани ривожига содиқлиги сустроқ.	Номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши яхши, ўз Ватанига ва илм-фанга садоқатини тўлиқ намоён эта олади ҳамда кенг дунёқарашга эга. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш стратегияси ва давлат сиёсатини тўғри тасаввур этади. Фаол ва қатъий ижтимоий позицияга эга. Мустақил позитив фикрлаш, таҳлил қилиш, масалага ижодий ёндашиш фазилатлари мавжуд.

* Суҳбат жараёнида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташиқл этиладиган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий салоҳияти ва билимлари даражасини аниқлаш бўйича суҳбат дастуридан фойдаланилади.

Мурожаатларнинг Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқиши

Саралаш танловининг ўтказилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда суҳбат ва тест синовларини ўтказиш жараёнларини ташкил этиш натижалари бўйича танловда иштирок этган номзодлар томонидан берилган шикоят ва аризалар Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори билан тасдиқланган Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади

Саралаш танловини ўтказиш жараёнларидан норози бўлган номзод натижа эълон қилинган кундан бошлаб **3 (уч) иш куни** давомида Танлов комиссиясининг Апелляция комиссиясига белгиланган шаклда ёзма ёки электрон тарзда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикояти қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома шикоят қабул қилинган кундан бошлаб **3 (уч) иш куни** ичида номзодга етказилади.

Апелляция комиссияси қабул қилинган аризаларни **5 (беш) иш куни** давомида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида тегишли масалалар бўйича Қабул комиссияси аъзоларини, шунингдек, зарур ҳолларда, келиб тушган аризалар сони ва номзодларнинг мутахассисликларидан келиб чиқиб, тегишли соҳалар бўйича тажрибали маҳаллий ва хорижий экспертларни, шу жумладан ватандошларни жалб этишга ҳақли.

Апелляция шикоятини берган номзод хабарномада белгиланган вақтда Апелляция комиссиясининг ишида иштирок этиш учун ёки Апелляция комиссиясининг қабул қилган қарорини олиш учун ўзининг паспорти (шахсини тасдиқловчи ҳужжат) билан келиши шарт.

Апелляция шикояти Апелляция комиссияси томонидан номзод иштирокида, унинг шикоят ва далиллари асосида кўриб чиқилади.

Бунда, саралаш танловини ташкил этиш тартиб-қоидалари бузилиши юзасидан номзод томонидан келтирилган шикоят ва далиллари ўз тасдиғини топмаса, Апелляция комиссияси танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Саралаш танловини ташкил этиш тартиб-қоидаларининг бузилиши юзасидан номзод томонидан келтирилган шикоят ва далиллар ўз тасдиғини топган тақдирда, Апелляция комиссияси аъзолари ва тегишли соҳалар бўйича тажрибали экспертлар жалб қилган ҳолда номзоднинг тўплаган баллари қайта кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Агар номзод ўз вақтида Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнига белгиланган вақтда келмаса, унинг апелляция шикояти **қайта кўрилмайди**.

Апелляция комиссияси қарори, яъни Апелляция комиссияси танлов

натижаларини ўзгаришсиз қолдириши ёки номзодларнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш тўғрисидаги қарори Жамғарма Танлов комиссиясига апелляция жараёни тўлиқ яқунлангандан сўнг **3 (уч) иш куни** ичида тақдим этилади.

Танлов жараёнининг барча босқичлари бўйича **қайта суҳбатдан ўтиш, тест топшириш ёки ёзма иш ёзишга рухсат этилмайди.**

Апелляция комиссияси томонидан чиқариладиган қарорларга нисбатан шахсий жавобгарлик белгиланади.

Мазкур Услубиёт 2024 йилги 1-очиқ стипендия танлови номзодларнинг билимини баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланади!